

ХУСУСИЙ МУЛК ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ МУХИМ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА

Феруза Тайлякова

Андижон машинасозлик институти катта ўқитувчиси

Жамият ҳаётининг асосий воситаси бу ер-мулк ва у билан боғлиқ бўлган асосий ишлаб чиқариш воситалари ҳамда унга эғалик муносабатлари туради. Жамият тараққиётининг барча босқичларида ерга муносабат, мулкка муносабат, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, истеъмол муносабатларининг шакли ва миқдори уни тақсимотини белгилаб келган. Мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб ер-мулкка бўлган муносабат тубдан ўзгара бошлади. Аввалги ягона совет мулки – давлат мулки ва колхоз-кооператив мулки каби эғалик муносабатлар тубдан ўзгарди. Ўз ўрнида мамлакатимизда ижтимоий муносабатларнинг тубдан ўзгаришига олиб келди, социал ҳаёт янгича мазмун касб эта бошлади.

Дунё амалиётида мутахассислар томонидан барча ижтимоий ишлаб чиқаришни уч соҳага бўлиши кузатилади: ишлаб чиқариш ва ресурсларни топиш; ресурсларни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот олиш; ҳамда хизмат кўрсатиш кенг маънода информацион фаолият ҳозирда информацион технология соҳасидир.

Ҳозирги замон глобаллашув шароитида учунчи соҳани яъни ахборот технологияларнинг нуфузини, нисбатини биринчи ўринга чиқариб қўймоқда.

Эски иқтисодий ва сиёсий тизимнинг емирилиши – янгича кўп укладли хўжалик юритилишини тақозо этди. Бунда аввало давлат мулки сифатида ерга ва ер ости бойликларига эғалик, бутун саноатни миллийлаштирилиши натижасида мулкнинг даставвал давлат тамонидан тасаруф этилиши ҳамда мустақил республиканинг шаклланиши биланоқ ерни ўз эгаларига, ишловчиларига, аҳолига берилиши янгича ерга эғалик шаклларини кенг ёйилишига олиб келди.

Хусусий мулк генезиси ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тузим ва тизимдаги унинг ўрни, мавқеи масаласи ва у билан бевосита ҳамда билвосита боғлиқ бўлган ҳар қандай мулкӣ муносабатларнинг келиб чиқишини назарда тутилса, ушбу хусусий мулкнинг статуси унинг шакллари ва моҳияти масаласига тўхталиб ўтишни тақозо этилади.

Илмий адабиётларда бу масалага ёндошув турлича бўлишига қарамай унинг умумий ва асосий белги-сифатлари масаласида муаллифлар фикрларининг умумийлигини кўриш мумкин. Жумладан, иқтисодиётга оид адабиётларда келтирилишича: Хусусий мулк-мулкка эгалик шаклларида бири бўлиб қонун билан ҳимояланган жисмоний ёки юридик шахснинг ёйинки уларнинг гуруҳининг мулкка эгалик ҳуқуқидир. Хусусий мулкка индивидуал, коароаратив акционерлик, интеллектуал, муаллифлик ва бошқа ҳар қандай нодавлат мулк шаклларикиради.

Ўтмишда хусусий мулкнинг алоҳида шакли антик даврга хос бўлиб унда ер-мулк сотилиши совға қилиниши ёки айирбошланиши мумкин эди. Фақат бу муносабатлар мамлакат ичкарисида фуқаролар ўртасидагина амалга оширилган, давлат ўз навбатида бу муносабатларга аралашиб ер-мулк ҳажмини чеклаши мумкин эди. Бундай муносабатлар қадимги Грециядаги давлатларнинг аксариятида мавжуд бўлган. Крит ва Спарта давлатлари бундан мустасно эди. Миллодгача V-III асрларда ерга эгаликдаги мулкӣ муносабатлар қабилавий эгалик шакли билан маълум бир пайтгача давом этган.

Маълумки хусусий мулкчилик муносабатлари муайян ҳуқуқӣ шаклда мустаҳкамланган. Ҳар бир, ҳар қайси жамиятда хусусий мулкчилик шакли қонунларда белгилаб берилади, шу жумладан, ҳозирги замон бозор иқтисоди мулкчиликнинг турли-туман шаклларига таянади ва иш кўради. Мулк шакллари ҳозирда, мулк субъектлари белгисига кўра классификация қилинганда, алоҳида фуқаролар, жамоалар, оила ва давлатнинг мулкка эгалик турларига бўлинганлигини кузатиш мумкин. Глобаллашув жараёни

мулкка эгаликнинг халқаро корпорациялар, ўзаро шерикчилик ва хали амалда кўрилмаган шакллари келтириб чиқариш мумкин. Масалан ушбу белгиларга кўра, турли партияларнинг, касаба уюшмаларининг, банкларнинг ва бошқа нодавлат ва нотижорат ташкилат ва уюшмаларнинг, ижтимоий ташкилотларнинг мулклари бўлиши мумкин.

Жамиятда демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг қарор топиши уларнинг қонунларда мустаҳкамланиши мулкка эгаликнинг ҳуқуқий қонуний тенглиги, суверенлиги охир-оқибатда бизнесни кенг ривожланишига шароит яратиб беради. Яна истеъмол шаклига кўра ҳам индивидуал, жамоавий ва давлат мулки шаклларига бўлиш мумкин. Мулк субъектларининг таркиби ҳамда ижтимоийлашувига (социаллашувига) кўра ҳам индивидуал, гуруҳий ва ижтимоий шаклларга бўлинади.

Хусусий мулкчилик ўз-ўзини ажратиб олиш, мусавво бўлиш имкониятини беради ва ўз ҳуқуқларини ўзгаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширади. Мулк эгаси ундан фойдаланишда мустақил қарор қабул қила олади, у ҳам жавобгар ҳамда муқум шахс сифатида намоён бўлади. Шунингдек индивидуал мулкнинг хусусияти шундаки, мулкдор мулкни мустақил тасарруф этади ўз эгалик ҳуқуқини, тақсимлаш, мулкдан фойдаланиш ҳамда унинг унимини ўзлаштиришда эркиндир. Бу имконият ва шарт-шароит хусусий мулк эгасига ўз хўжалигини рационал ҳолда, юксак самарада юритишига катта имкон беради. Индивидуал мулк эгалиги кенг социал қатламни ўз ичига олиши мумкин. Улар: деҳқонлар, фермерлар, хунармандлар, хусусий врач ва адвокатлар ва бошқа ўз меҳнати эвазига ҳаёт кечирувчилар бўлиши мумкин. Хусусий мулкчилик асосида хўжалик юритишнинг-фермерлик, томорқа, хусусий корхоналар (турли шакл ва ҳажмдаги-кичик корхонадан йирик ишлаб чиқаришгача) ҳамда хусусий мулкдан фойдаланишнинг бошқа шакллари ҳам бўлиши мумкин (ижарага бериш, ва хусусий мулкдорлар ўртасида пул муаммолари в.х). Бугунги кунда оилавий тадбиркорлик фаолияти ҳақида ҳақида гап кетганда хусусий мулк

нинг ўрни аҳамияти, ижтимоий самараси ҳақида мамлакатимизда яратилган улкан назарий-методологик асосларга таянади. Мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиб берилди. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов 2012 йилнинг 26 апрелида “Оилавий тадбиркорлик” тўғрисидаги қонунни имзолади. Мазкур қонун 2012 йилнинг 16 мартда Олий мажлиснинг қонунчилик палатаси томонидан маъқулланган эди. Қонуннинг қабул қилишдан асосий мақсад демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш оилавий тадбиркорликни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида ривожлантириш учун зарурий қонунчилик базасини яратиш, оилавий бизнес учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш ва янги иш жойларини ташкил этишдан иборат эди. Ушбу қонун 7 та боб ва 35 та моддадан иборат. Қонуннинг I боб 1-моддасида Қонуннинг мақсади оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат деб белгилаб қўйилган.

Албатта, оилавий тадбиркорликда хусусий мулкнинг ўрни аҳамияти ҳақида гап кетганда мулкка муносабат хусусий мулкнинг ҳуқуқий асослари, ундан фойдаланиш, унинг тасарруф этиш, бошқариш, олинган даромад ва натижага муносабат, унинг социал томонлари каби масалалар келиб чиқади. Аслида барча социал муносабатлар асосида ҳам албатта, мулкӣ муносабат унинг ҳуқуқӣ мотивацияси турли кўринишларда намоён бўлади. Мулкӣ муносабат таъбир жоиз бўлса “метамар фоза”си ўз жилосини кўрсатади. Шундай экан мулкдор мулкӣ ваколатларини амалга оширишда аввало ўз хоҳиши билан ҳаракат қилади. Хоҳиш вужудга келиши учун 7 та сабаб (мотивация) лозим. Қонун ушбу ўринда мулкдорнинг ваколатларини, хоҳиш-иродасини амалга ошириш мотивацияси сифатида ўз манфаатини кўзлашига имкон яратади. Мулк ва манфаат бир-бирига боғлиқ ҳолда оилавий тадбиркорликда муҳим элемент, восита керак бўлса моддий ва маънавий асос ролини бажаради. Фуқаролик кодексининг 172-моддасида, мулк ҳуқуқини амалга ошириш шартларида унинг мезонлари белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда ҳар доимгидан кўпроқ хусусий мулкка эгалик муносабатига катта эътибор берилмоқда. Боиси “Кучли давлатдан кучли жамият сари” бориш дастури шубҳасиз “ўрта синфни” “мулкдорлар жамиятини” ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун хусусий мулк мулкдорлик (статуси) мақоми масаласи яна ҳам актуаллашади, келажак тараққиёти мезонига ҳам айланиб боради.

Хуқуқшунос олим В. Эргашевнинг фикрича хусусий мулк ҳуқуқи “Хусусий мулкнинг ашё ёки бошқа моддий ва номоддий неъматлар устидан давлат томонидан кафолатланган ва жамият манфаатлари йўлида чегараланган ҳуқумронлигидир”¹. Ҳар қандай субъект ҳуқуқ эгасига муайян хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, неъматдан баҳраманд бўлиш имконини беради. Ҳуқуқ муайян ваколатлар мажмуи қонун мулкдорнинг ваколатларини амалга ошириш мотивацияси сифатида ўз манфаатини кўзлашини кўрсатади. Манфаат эса ўз навбатида ҳуқуқ эгаси эришиши керак бўлган натижа. Манфаат кўп қиррали хилма-хил шаклларда ифодаланади. Фуқаролик Кодексининг 172-моддасида мулкдорнинг ҳуқуқий мезонлари мулк ҳуқуқини амалга ошириш шартларида белгилаб қўйилган. Хусусий мулкдорнинг хоҳиш ва манфаатлари чегарасиз эмас. Эркинлик муайян қонун даражасидаги хатти-ҳаракат, англаб олинган зарурият бўлганидек, ҳуқуқ муайян доирадаги эркинликни ифодалайди.

Хусусий мулкдорнинг “ўз манфаатидан” кўзлаган мақсади, моҳиятини аниқлашда субъектнинг шахси кимлиги, агар юридик шахс бўлса унинг ҳуқуқий ҳолати ҳам ҳисобга олиниши кўзда тутилади.

Хусусий мулкка бўлган эътибор ортиб бормоқда. 2012 йил 24 сентябрда “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги Қонун тасдиқланиб кучга кирди. Бу Қонун ўз мазмун ва моҳияти билан хусусий мулкдор ҳуқуқларини кафолатлайди.

¹ В.Эргашев. Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиш ва бекор бўлишининг илмий-назарий жиҳатлари. Юридик фанлари номзоди диссертацияси автореферати. Тошкент, 2005 йил 6-бет

Оилавий тадбиркорлик кичик бизнеснинг ўзига хос кўриниши, аммо унинг кўпгина иктисодий ва социал афзалликлари мавжуд. “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига кўра: Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади. Оилавий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида биридир. Оилавий корхона фаолияти фақат юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириши мумкин. Оилавий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалага ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Оилавий тадбиркорни асосий баъзаси бўлган оилавий корхона 26-моддага кўра “Оилавий корхона қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ягона солиқ тўловини тўловчидир”. Оилавий корхона фойдаси солиқлар ва бошқа тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди-деб белгиланган.

“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонун , биз тадқиқ қилмоқчи бўлган мавзунинг соҳанинг Қонуний –назарий асосини ташкил этади. Шу боис қонуннинг қисқа, лўнда, тигиз маъноли ҳар бир бандини ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ ва унинг амалга оширмоқ масаласи ҳар доим тадқиқотимиз диққат марказида туради. Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ , оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги асосида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти бўлиб, ўз иштирокчиларининг хушёрлигига асосланади. Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонадир.

Оилавий корхона мулки ҳақида гап кетганда аввало ихтиёрийлик, умумийлик, умумий мол-мулк ҳамда ҳар бир иштирокчининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъекти ҳисобланади.

Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади. У фақат юридик шахс сифатида фаолият кўрсатади.

Оилавий корхонанинг мол-мулки дахлсиз национализация мусодара ва реквизиция қилинмайди (қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) Оилавий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай фаолият тури билан шуғулланиши мумкин. У битимлар тузишда эркин. Оилавий корхона имтиёзлари яна шундаки ўз фаолиятини амалга оширишда, технологиялар ишлаб чиқариладиган маҳсуторининг ассортиментини танлашда маҳсулот нархини ҳамда уни реализация қилиш йўналишларини белгилашда давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмайди.

Оилавий тадбиркорлик мамлакатда тез оммалашиб кишиларнинг ҳаёт тарзига кириб бориши, бу жараённинг сабаби тўғри танланган социал тараққиёт ҳақидаги Президентимизнинг концептуал назарий кўрсатмаларининг самарасидир.